

A stylized world map in light gray, showing the continents. It is positioned at the top of the cover, above the main title. The map is set against a background of a grid and wavy lines.

ISSN 2410-3586

# УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА

научный журнал

A circular graphic element in the bottom right corner. It consists of several concentric circles in shades of blue and white. The number '1' is centered in the innermost circle, and '2019' is centered in the next ring out. The graphic is partially overlaid by a blue curved band that runs across the bottom of the cover.

1  
2019

## СОДЕРЖАНИЕ НОМЕРА

|   |           |
|---|-----------|
| <i>Информационные технологии</i>  |           |
| Компьютерные вирусы и проблемы защиты от вирусов<br><i>Г.Т. Мирзоева, Г.М. Усмонова</i>   | 4         |
| О системе Matlab<br><i>Х.Ю. Хамроева, А.Х. Саидов</i>   | 6         |
| <i>Технические науки</i>  |           |
| Нақшбанд таълимотининг ёшларни касбга ўргатишдаги аҳамияти<br><i>Д.Н. Наимова</i>   | 8         |
| Ўзбекистон дурдонаси –хон атлас<br><i>Д.Н. Наимова, Б.И. Наимов</i>   | 10        |
| <i>Педагогические науки</i>   |           |
| The use of communication strategies in english language education<br><i>N.O. Abdullayeva</i>  | 13        |
| Communicative language teaching approach in EFL context<br><i>P.Sh. Begbudieva</i>  | 15        |
| The use of dialects in education and its impacts on students learning and achievements<br><i>K.R. Gafurova</i>                                | 17        |
| The role of vocabulary in teaching process<br><i>N. Sadieva, A.J. Karaeva</i>   | 19        |
| <b>Дистанционное обучение - как процесс развития</b><br><i>Л.Ф. Каримова, Т.М. Аслонова</i>   | <b>21</b> |
| Важность слушания и понимания речи в преподавании английского языка<br><i>Н.Г. Рахимова, Г.Т. Эшонкулова</i>                                  | 23        |
| Основные принципы педагогических технологий<br><i>Д.А. Убайдова, М.С. Ражабова</i>  | 25        |
| Организация внеаудиторной работы по русскому языку<br><i>Х.И. Юсупова, З.Б. Рахмонова</i>   | 27        |
| Методика преподавания темы квадратных уравнений<br><i>Ш.М. Имомова, Г.Ш. Фаттоева</i>   | 29        |
| Средства, обучающие математике<br><i>Г.Э. Яхшиев, З.Ш. Ахтамова</i>   | 31        |
| Методы воспитание молодежи в духе борьбы со злом<br><i>Д. Хотамова</i>  | 33        |
| Practical tools of physical education and sporting events<br><i>M.M. Turaev</i>   | 35        |
| The role of physical education and sport in the spiritual formation of students<br><i>O.Kh. Uzokov</i>  | 37        |
| Методы использования инновационных технологий обучения в учебном процессе<br><i>Н.Т. Тошева, Х.О. Азимова</i>                                 | 39        |
| Табиий фанларни ўқитишда амалий ва педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш усуллари<br><i>Ф.М. Халилова, Ф.Ф. Иброхимова</i>               | 41        |
| <i>Филологические науки</i>   |           |
| Different usages of noun-part of speech by international-uzbek students and native speakers of english<br><i>M. Absamadova, S. Ibragimova</i> | 43        |
| The role of vocabulary games in teaching foreign languages<br><i>M.H. Azimova, M.U. Rakhmonova, Z. Baronova</i>                               | 45        |
| Teaching english rules through foreign language material<br><i>L.A. Usmanova</i>  | 47        |
| The efficiency of graded reading in language learning process<br><i>S.A. Atamuradova, N.N. Khamrakhanova</i>                                  | 50        |
| Technology integration in language teaching<br><i>M.F. Shavkatjonova</i>  | 53        |

УДК 372.862

**ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ - КАК ПРОЦЕСС РАЗВИТИЯ**Л.Ф. Каримова<sup>1</sup>, Т.М. Аслонова<sup>2</sup>*Аннотация*

Статья посвящена дистанционному обучению.

*Ключевые слова:* интеграция, индивидуальный учебный план, педагог-инженер, учебно-методический, виртуальная книга, виртуальная библиотека

Масофавий таълим технологияси бу шахс билан мустақил, лекин назорат қилинувчи белгиланган билимларни ўзлаштириш жараёнида мулоқот қилиш воситалари, шакллари ва методлари йиғиндисидир. Масофавий таълим узлуксиз таълим тизими шаклларида бири бўлиб, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлайди ва таълим олувчиларга мамлакатнинг ихтиёрий ҳудудида таълим олишда тенг имкониятлар яратади. Масофавий таълим қуйидаги вазифаларни амалга оширади: жамиятнинг саводхонлик даражасини ва таълим сифатини ошириш, аҳолининг таълим хизматига ва мамлакатнинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ҳоказо. Масофавий таълим тизими мамлакатимиз таълим тизими учун қуйидаги жараёнларни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади: таълим соҳасидаги ислохотларни давом эттириш, аҳолининг таълим технологияларига эҳтиёжини шакллантириш, халқаро алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўзгаришларни амалга ошириш, таълим жараёни иштирокчилари ўртасида ахборот алмашиш учун сифатли, янги техник воситаларнинг пайдо бўлиши ва тез ривожланиши, таълим соҳасида халқаро интеграцияни ўстириш. Ҳар бир таълим олувчи фанни ўзлаштириш ва танланган курслар бўйича зарур синовларни олиш учун қанча керак бўлса, шунча ўқиши мумкин. Масофавий таълим тизимида ўқитувчига билиш жараёнини мувофиқлаштириб бориш, ўқитилаётган фанни ривожлантириш ва мослаштириш, индивидуал ўқув режаларини тузишда маслаҳатлар бериш, ўқув лойиҳаларига раҳбарлик қилиш ва бошқа шу каби вазифалар юклатилади. Аввало, ҳозир замон талабига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисни тайёрлаш жуда муҳимдир. Масофадан ўқитиш асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳоли таълим муассасасига йиғилиши шарт эмас, тингловчи ёки ўқувчи томонидан ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилмайди ва бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин. Масофадан ўқитишга жалб қилинувчиларни қуйидаги гуруҳларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин: иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш, малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлган шахслар; минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари; анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот ололмаган ёшлар; ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига кўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари; иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар; марказдан узоқда, кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси; эркин қўчиб юриши чекланган шахслар; жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар; ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар.

Ўзбекистон шароитида масофадан ўқитишни ташкил қилиш катта самара беради. Ҳозирда Республикаимиздаги олий ўқув юртларининг аксарият қисмида ҳисоблаш техникаси, автоматлаштирилган бошқарув тизими, муаллим-муҳандис, ахборот ва коммуникация технологиялари мутахассисликлари бўйича етук кадрлар тайёрланмоқда. Масофавий таълимни ташкил қилиш ва ўқув жара-

<sup>1</sup>Каримова Лобар Фатуллаевна, преподаватель, факультет естественных наук, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

<sup>2</sup>Аслонова Турсунной Мустафоевна, преподаватель, Академический лицей при Бухарском медицинском институте, Узбекистан.

ёнига тадбиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирда кўзда тутилган режа асосида институтда масофавий таълимни ташкил этиш бўйича қуйидаги тўрт йўналишда ишлар белгиланган: 1. Масофавий таълимда иштирок этувчилар билан олиб бориладиган ташкилий ва ўқув-услубий; 2. Масофавий таълимда қўлланиладиган ахборот ва телекоммуникация технологиялари билан танишиш, ўрганиш ва керакли техникавий имкониятларга эга бўлган компьютер ва дастурий мажмуани яратиш; 3. Масофавий таълим учун ўқув-услубий материалларни тайёрлаш; 4. Масофавий таълимда қўлланиладиган ўқув материаллари технологиясини ўрганиш ва уни жорий қилиш.

Масофавий таълим республикамизда таълим тизимига янги кириб келаётган усул бўлиб, ҳозирги кунда бу жараёнга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Тингловчиларнинг виртуал китоб, виртуал кутубхона тўғрисида тасаввурлари кенгайиб бормоқда. Масофавий таълим нафақат тингловчиларга масофадан туриб таълим беришни, балки уларнинг олган билимларини масофадан туриб назорат қилишни ҳам англатади. Мазкур таълим турини амалга ошириш учун ўқитувчилар энг тажрибали ва ташкилотчи профессор-ўқитувчилар орасидан танлаб олиниши лозим. Масофадан ўқитиш бошқа таълим турларидан фарқи бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг билимдонлиги, ташкилотчилиги ва бошқарувчанлик хусусиятларига боғлиқ. Масофадан ўқитишга жалб қилинувчи ўқитувчи бир пайтнинг ўзида моҳир педагог, доно маслаҳатчи ва тажрибали бошқарувчи бўлиши керак. Бугунги кунга келиб ўқитиш тизимларининг ҳар бир жабҳасида илғор технологиялардан фойдаланиш зарурати алоҳида долзарблик касб этаётганини сезиш қийин эмас. Хулоса қилиб айтганда, масофавий таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасида ягона ахборот маконини яратиш ва таълим олувчиларга ахборотларни тезкор етказиш, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув-моддий базаларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда таълим олувчилар билимини холисона баҳолаш ва таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: TDPU, 2003

© Л.Ф. Каримова, Т.М. Аслонова, 2019.